

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 27 март, № 59 (4212)

Сешанба

«ТАШАББУС — 2007»: ҒОЛИБЛАР — ШОҲСУПАДА



Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликнинг жадал ривожини унун яратилаётган кенг имкониятлар самараси туфайли бугунги кунда ушбу соҳалар иқтисодий таъминининг ўсиш суръатларини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўриқ-танловининг ҳам алоҳида ўрни бор. Тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш ва ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш, соҳадаги илгор тажрибани оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган танловда ўтган ўн бир йил давомида юз мингдан ортиқ киши иштирок этди. Мазкур тадбир соҳа вакилларининг илгор тажрибаси ва ютуқларини оммалаштиришнинг самарали механизмига айланган.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўриқ-танловининг ҳам алоҳида ўрни бор. Тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш ва ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш, соҳадаги илгор тажрибани оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган танловда ўтган ўн бир йил давомида юз мингдан ортиқ киши иштирок этди. Мазкур тадбир соҳа вакилларининг илгор тажрибаси ва ютуқларини оммалаштиришнинг самарали механизмига айланган.

«Энг яхши тадбиркор» Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Садоқат Йўлдошева, «Устоз-шоғирда» дастури асосида ёшларни касб-хунарга ўргатишдаги хизматлари учун» номинациясида бухоролик Муҳаббат Қўчқорова ғолибликни қўлга киритди. «Микрокредитбанк»нинг Қашқадарё вилояти филиали «Энг яхши молия муассасаси», «Бизнес таълимот бўйича энг яхши ташкилот» — пойтахтимиздаги «Келажак илми» маркази, «Талабалар томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» Тошкент Давлат техника университети талабаси Наргиза Файзуевага насиб қилди.

Сўйтназаров «Энг яхши фермер», Андижон вилоятидан Соҳибжон Нейматов «Энг яхши хунармада» деб топилди.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Антверпендаги Берхем маданият марказида Наврўз байрамга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон-Бельгия дўстлик жамияти томонидан юртимизнинг Бельгиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бельгияда Наврўз тантанаси

Мазкур марказида Ўзбекистон халқ амалий санъати усталарининг маҳсулотлари кенг намойиш этилиб, ташриф буорган меҳмонлар ўзбек халқининг бой маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

ЖАҲОНДА УЧИНЧИ

ланган навбатдаги жаҳон кубоги бахсларида ҳам полвонларимиз ўз анъаналарига содиқ қолдилар.

Хушхабар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртин, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўзга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	1004,93	1 Исландия кронаси	18,74	1 Туркия лираси	903,23
1 Англия фунт стерлинги	2448,51	1 Канада доллари	1075,70	1 Швейцария франки	1025,07
1 Дания кронаси	222,63	1 Ҳаной юани	161,61	1 ЕВРО	1657,72
1 БАА дирҳами	340,45	1 Малайзия рингити	362,08	10 Жапония йени	13,32
1 АҚШ доллари	1250,07	1 Польша злотийаси	428,97	1 Россия рубли	48,06
1 Мексика фунти	219,60	1 СДР	1889,56	1 Украина гривнаси	247,54

ХОҲЛАНГ ТЕХНОЛОГИЯ, МАҲСУЛОТ

ДУНЁ НИГОҲИ

Бой тарихий ва маданий меросга эга бўлган мамлакатимизда саноатини ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжуд. Ўзбекистонда бүгун дунё сайёҳларини ўзига жалб этаётган обидалар сароб. Жумладан, Самарқанд шаҳрини меҳнат дунё мўъжизаларидан бири, деб биламан.

Жон Аттарад-МОНТАЛЬТО, Европарламент депутати.

Санодилм ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари давлатимиз раҳбарининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида қайд этилган вазифаларни муҳокама қилдилар.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Мамлакатимизда юқори сифатли, экспортбоп ва рағбатлантириш мақсулоти ишлаб чиқариб, дунё бозорларига кириб бориш ҳар бир тадбиркорнинг биринчи галдаги вазифаси эканлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди. Тадбиркор зиммасидаги бу масъулиятни бажаришда миллий саноатимизга хориж технологияларини олиб кириш катта аҳамият касб этади.

«КЕЛАЖАККА САРМОЯ»

Мустақиллик йилларида ёш авлоднинг баркамол ривожланиши борасида гамхўрлик қилиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва амалда кенг қўлланилаётгани бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган даврда халқаро ҳам-жамият томонидан эътироф этилган ва мамлакатимиз таълим тизимида муваффақиятли амалга оширилаётган мазкур миллий дастурлар асосида ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг узлуқсиз тизими яратилди. Натижанда мамлакатимизда таълим соҳасида тарихан қисқа даврда туб ижобий ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг саводхонлик даражаси 99,3 фоизни ташкил этади, бу рақам — дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 март кунин эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлис залда очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 март кунин соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида бўйхатта олинади.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Федерал идора қарори

ЕИнинг Берлин саммити

Европа Иттифоқининг пайдо бўлишига асос бўлган Рим шартномасининг имзоланганлигига 50 йил тўлди. Ушбу сана муносабати билан иттифоқнинг 27 аъзо мамлакатлари раҳбарлари Берлинга йиғилишди. Саммитда Берлин декларацияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ЕИнинг ўтган вақт мобайнида эришган ютуқлари эътироф этилиб, келажақда амалга оширилиши лозим бўлган ислохотлар ҳақида сўз борди.

Германия Кочкинлар ва муҳожирлар масалалари бўйича федерал идораси Ичкериянинг собиқ ижтимоий таъминот вазири Апти Бисултоновга сиёсий бошпана беришни рад этди. «Der Spiegel» журналининг маълумотларига кўра, у 2003 йилда Германияга даъволаниш баҳонасида келган ва шу ерда яшамоқда. Уша пайтда унга ҳеч қандай таҳдидлар бўлмаган.

Апти Ичкерияда айирмачилик сиёсати юритганлиги билан ҳаммага маълум. Россия Адлия вазирлиги уни чечен жангарилари тарғиботчиси дея атамоқда. Бундан ташқари, у ҳарбий жиноятлар содир этганликда ҳам гумон қилинапти.

Эрон резолюциядан норози



Расмий Техрон БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан мамлакатга нисбатан қўлланилган резолюция шартларини инкор этди ва бунга жавобан МАГАТЭ билан ҳамкорлик қилишни чеклашни билдирди. Эрон Президенти Маҳмуд Ахмадинежад мазкур ҳужжатни ноқонуний деб атаб, мамлакатда олиб борилаётган ядровий тадқиқотлар фақат тинчлик мақсадларига хизмат қилишини ва бу жараён бир сония ҳам тўхтатилмаслигини маълум қилди. Бундан ташқари, у Эрон бундан кейин БМТ Хавфсизлик Кенгашида ушбу резолюцияни қўллаб-қувватлаган давлатлар билан муносабатларни қайта кўриб чиқишни таъкидлади.

Чавес янги партия тузмоқчи



Венесуэла Президенти Уго Чавес мамлакатда Бирлашган социалистик партия тузишини маълум қилди. У ўз чиқишида бутун аҳолини бирдамликка ва яқдилликка чақирди. Утган йил мамлакат президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларда Чавес «Бешинчи республика ҳаракати» партиясидан ўз номзодини илгари сурганди. Эндиликда Уго Чавес ушбу партия етакчиларига мурожаат қилиб, уни тарқатиб юбориш ва янги партияга аъзо бўлиб киришга чақирди.



Макка шаҳри кўчаларида. Нўзумжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Назорат қилишайтган пайтда

Жанубий Осетия ҳудудида Грузиянинг икки полициячиси ўлдирилган. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазирлиги маъмурияти раҳбари Шота Хизанишвили маълум қилди. Улар Никози кишлоғида хавфсизликни назорат қилаётган пайтда бир неча қуролланган одам полиция машинасига тур-



ли тарафдан миномётлар ёрдамида ўт очишган. Мазкур маълумотни Грузия Ташқи ишлар вазирлиги ҳам тасдиқлади.

Мажбуриятларни бажармаганликда айблади

Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббосни ўз зиммасига олган мажбуриятларни доимий тарзда бажармай келатганликда айблади. У мамлакат ҳукумати аъзолари иштирокида ўтказган йиғилишида капрал Гилад Шалит озод этилмагунча, мухториятда ягона миллий ҳокимият юзага келмаслигини таъкидлади. Бош вазирининг қайд этишича, Маҳмуд Аббос ўзи ҳамда дунё етакчилари билан учрашувда Исроил давлатининг тан олиншига ва террордан воз кечишга ваъда берган, бироқ у бунга ҳаракат қилмапти.

Аэропортга жангарилар ҳужуми

Тамил жангарилари кеча эрталаб Шри-Ланка пойтахти Коломбодаги халқаро аэропортга ҳужум уюштиришди. Маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра, аэропорт ҳудудида отишмалар бўлган. Турли ахборот манбаларининг сўнгги хабарларида айтилишича, аэропорт вақтинча ёпилган. Ушбу ҳужуми мамлакат ҳукумати ҳам тасдиқлади.



Чекловлар олиб ташланди

Россия ва Беларусь икки мамлакат ўртасидаги савдосотик соҳасидаги чекловларни бекор қилиб, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан ўзаро келишувга эришди. Мазкур ҳужжатни Беларусь бош вазири ўринбосари Андрей Кобяков ва Россия Иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари Виталий Савельевлар имзолашди. Шу пайтга қадар Беларусь томони мамлакатга кириштирилган спиртли ичимликлар, тамак ва денгиз маҳсулотлари учун чеклов жорий қилганди. Бунинг эвазига Россия Беларусдан шакар импорт қилишни чеклаганди. **Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ВА УНИНГ ХУДУДИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛЛАРИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига суд ижрочилари томонидан хатланган куйидаги кўчмас мулклар ва транспорт воситалари савдоларига қўйилмоқда:

- Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиалида 2007 йил 12, 19, 26 апрель кунлари соат 11.00 да:**
 - Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 27 июлдаги 2861-сонли ва 2006 йил 4 августдаги 2969-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Урганч шаҳри, «Хонка» кўчасида жойлашган, 1976 йилда силикат гиштдан қурилган, 3 қаватли, қурилиш ости ер майдони 704,93 м2 бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси — 136 241 790 сўм.**
 - «Хоразмиригажияқурилиш» ОАЖнинг Боғот ҚМШҚга қарашли мол-мулк ва автомобилотранспорт воситалари. **Бошланғич баҳоси — 80 681 027 сўм.**
 - Урганч шаҳри «Автохизмат» МЧЖга қарашли мол-мулк ва автомобилотранспорт воситалари. **Бошланғич баҳоси — 282 715 521 сўм.**
 - «Гурлан савдо» шўба корхонасининг «Бўрдоқчилик» унитар корхонаси мол-мулклари мажмуаси. **Бошланғич баҳоси — 81 710 444 сўм.**
- Республика Кўчмас мулк биржаси очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк ва транспорт воситалари қўйилмоқда:**
 - Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 26 сентябрдаги 11-0605/6813-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «PALLADA VOSTOK» ШКга қарашли, Олмалик шаҳри, Примқулов кўчаси, 6-уйда жойлашган совун ишлаб чиқариш линияси, ҳолати — ишлатилган. **Бошланғич баҳоси — 83 960 331 сўм.** Аукцион савдолари 2007 йил 27, 29 март ва 3, 5, 10, 12 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.
 - Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 6 июлдаги 11-0619/7025-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фазалкент ойна» ҚКга қарашли, майдони 1429,62 кв.м. бўлган, Бўстонлик тумани, Исқандар кўрғонида жойлашган Маданият уйи биноси. **Бошланғич баҳоси — 160 000 000 сўм.** Аукцион савдолари 2007 йил 27, 29 март ва 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель ва 1, 3, 8, 10 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.
 - Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2005 йил 5 апрелдаги 11-0421/1815-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фазалкент» ОАФга қарашли, Бўстонлик тумани, Фазалкент ҚФИда жойлашган, 22 номдаги бино ва иңшоотлардан иборат бўлган «Тара» базаси объекти. **Бошланғич баҳоси — 564 647 500 сўм.** Аукцион савдолари 2007 йил 27, 29 март ва 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель ҳамда 1, 3, 8, 10 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.
 - Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 15 августдаги 2374-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, «Бекободцемент» АЖ ҳудудида сақланаётган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган «ТЭМ 2-2373» русумли тепловоз. **Бошланғич баҳоси — 32 280 386 сўм.** Аукцион савдолари 2007 йил 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель ва 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.
 - Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 15 августдаги 2374-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, «Бекободцемент» АЖ ҳудудида сақланаётган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган «ТЭМ 2У-8241» русумли тепловоз. **Бошланғич баҳоси — 39 729 705 сўм.** Аукцион савдолари 2007 йил 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель ва 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ушбу мулклар бўйича илгари «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарида хабарномалар чоп этилган. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар (юрidik ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини:
 - РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тинчлик филиалидаги 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
 - Республика Кўчмас мулк биржасининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Мурожаат учун манзиллар:
 «Республика кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ Хоразм вилояти филиали, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уй (мўлжал: Урганч шаҳар халқ таълими бўлими).
 Телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.
 «Республика кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 399-79-52, 133-28-52.
 Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz
 Лицензия: DB 001 №000004.

«ХОРАЗМГЎШ-СУТСАВДО» ОАЖ
 кредиторлар йиғилиши 2007 йил 2 апрель куни соат 10.00да ўтказилади.
КУН ТАРТИБИ:
 1. Корхонани савдодан олиш.
 2. Кредиторларга мол-мулкни таклиф қилиш ва яқуний ҳисобот.
«Хоразмгўшсут-савдо» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси — А.Джапбаров.
 Манзил: Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси, 23-уй, 3-этаж, 325-хона.
 Тел.: 226-40-62, 512-65-54-сот.

«ОКСИГУМАТ»
 ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озикланишини, касалликларга қарши ҳимояланишини бошқарувчи — стимулятор.
 Янги, яқори самарали, бетакор хусусиятли препарат.
 «Оксигумат» биологик фаол препарат сифатида қишлоқ ҳўжалигида урулларнинг унумдорлигини ошириб, кўчатларнинг илдиэ отиши ва яхши тутиб кетишини таъминлайди.
 ➔ ҳосилдорликни оширади,
 ➔ маҳсулотларнинг сифатини яхшилайди,
 ➔ тупроқ таркибидagi микрорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ривожлантиради,
 ➔ маъсумий ўзағишлар сурьатини ва пишишини тезлаштиради (10-20 кунга),
 ➔ касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини кўчайтиради,
 ➔ минерал озикланишини мақбуллаштиради, тупроқнинг аллелопатик эъриқидини камайтиради.
«ОКСИГУМАТ» — кўчма хосиятга эга таъминловчи.

Бодринг	— 30-40%
Бугдой	— 35-40%
Гуллар	— 13-25%
Дуккакли экинлар	— 60-80%
Картошка	— 40-50%
Кун аёбоқар	— 50-70%
Лавлати	— 35-40%
Мақжажўхори	— 40-60%
Пахта	— 50-70%
Пивэ	— 30-40%
Полиз экинлари	— 50-60%
Помидор	— 25-30%
Сули	— 20-40%
Шоли	— 70-90%

 Экологик зарарсиз. Давлат кимй комиссияси томонидан Ўзбекистонда ишлашиш учун рўхсат этилган. ГУВОХНОМА № А 947.
 Тел.: 135-87-05, 449-30-84, 135-53-15 (кечкурун), 330-13-44.

«ЎЗТЕМИРЎЛЎЛОВЧИ» ОАЖ
 ОЛИЙ ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛИ, ЭНЕРГЕТИКА ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА 5 ЙИЛ МЕХНАТ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАН МУТАХАССИСНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
 МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 199-70-97.

"SANAR MOTORS" MChJ
 KIA МОТОРСнинг Ўзбекистондаги расмий вакили **ЯНГИ босқичга ўтинг!**

KIA MOTORS
 The Power to Surprise
 Автосалон: Тошкент ш., Х. Абдуллаев к., 54 «А», «Буюк Ипак йўли» метроси.
 Тел.: +(99890) 323-25-66, 175-69-75, +(99871) 140-00-62, 140-00-61.

Sonata NF Santa Fe

New Elantra Tucson
 Drive your way
 Тел.: 150-00-70. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган
 www.hyundai-motor.com

Бугун — халқро театр куни

Театр маданий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, одамларни тарбиялайдиган маданий-маънавий даргоҳдир. Битта спектаклни сахнада ва телевизор орқали томоша қилишда ер билан осмонча фарқ бор. Сахнада актёрни, жонли ҳаётни курамыш. У бизни ўйлашга, фикрлашга ўндайди. Театрда бизнинг кечаги кунимиз, бугунимиз ва эртамыш ўшайди. Мухбиримизнинг «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулло Ризаев билан суҳбати ҳам театр ва сахна ҳақида бўлди.



— Маълумки, ўзбек театр санъатининг илдизлари мезийга бориб тақалади. Шунинг учун суҳбатимизни театрининг илк бор пайдо бўлишдан бошлашасан.

«Театр» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да ифодаланган «Актёрларнинг сахнадаги ҳаракати орқали ҳаётни, ҳаётини ҳодисаларни бадий равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъат асосланган томошалардир. Зеро, дунёдаги ҳар бир халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, кечими-келими, орзу-ўйлари театр санъатида ўз аксини топади.

1975 йили француз археологлари қазув ишлари олиб борган Термиздан 50 км. на-

САХНА — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ридаги Ойхоним шаҳарчасида амфитеатр қолдиқлари топилди. Археолог Поль Бернарднинг илмий ҳулосаларига кўра унинг ички ва ташқи архитектураси ўйун ҳолда бир-бирини тўлдирган турган. Шахригуддан топилган декоратив мрамар ниқоблар, Туркистон театр труппасининг Япония музейларида сақланаётган ниқоблар, Хитой ва Кореядаги қимматли маълумотлар ўзбек миллий театри тарихининг ибтидоисидир.

Қадимда асосан оғзаки, пантомимо спектакллар кўйилган. Ижрочилар бир оғиз ҳам гагирмасдан, барча воқеаларни ҳодисаларни хатти-ҳаракат орқали кўрсатишган, сон саройларида ҳам ишлаган. Шунингдек, бозорларда, маҳалларда, кўчалар ва майдонларда «сахна» қуриб томошалар кўрсатилган. Халқ ўша жойда ўтириб, томоша қилган.

1910 йилдан эътиборан, ўзбек миллий театрини ташкиллаштириш ҳақида бош-

ланган. 1910-17 йилларда театр учун ёзма асарлар пайдо бўлган. Бехудийнинг «Падаркуш», Абдулла Авлонийнинг «Аввоқатлик осони», Маннон Уйғуннинг «Туркистон табиби» каби асарлари фикримиз исботидир. Бундан ташқари таржима асарлар ҳам анча кўпайган.

— Мустақиллик театр санъатига берган янги нафас, янги руҳ ва чинакам ижодий эркинлик, сезингича, нималарда намоен бўлмоқда?

— Аввало, «Ўзбекистонда театр ҳамда мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллар-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида» (1995 йил 20 октябрь) ва «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида» (1998 йил 26 март) Президент фармонлари ўшбу соҳага кўрсатилган катта ғамхўрлик бўлди. Юртимиз ташаббуси билан театрлар биналари алоҳида эътибор берилди. Чин-

дан ҳам замонавий театр талабларидан орқада бўлган кўрimsиз театр биналари улкан маданиятга эга бўлган халқа бутунлай номunosибдир. Шу боис Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри бинасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди ва унга Ўзбекистон Миллий академик драма театри мақоми берилди.

лаётан асарларнинг ҳаммасини бирдек юқори даражада дея олмайман. Ассосийси, интилиш ва мақсад бор.

— Мутахассис ва раҳбар сифатида бугунги театрлар фаолиятдан кўнглингиз тўлабми?

— Бугун республикамизда 37 та театр, бир қанча театр студиялари ва хаваскорлик театр жамоалари мавжуд. Улар

Шунингдек, Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқа драма театри биноси ҳам янгидан қайта қурилди. Террорчилик ҳуружи оқибатида қўриб юборилган Бобур номи драма театри биноси эса қисқа вақтда қуриб битказилиб, энг замонавий техника билан таъминланди. Маннон Уйғур номи Санъат институтининг янги бинога кўчиб ўтиши иқтидорли актёрлар тайёрлашга жуда катта замин яратди. Зеро, ўшбу муҳташам бинода талабалар учун ҳар томонлама қўлайликлар бор.

Театр репертуари томошабинчи сахна билан боғлаб турувчи жоибодор куч. Кейинги йилларда республикамиз театрлари репертуарида қадим урф-одатларимиз, аъналаримиз билан боғлиқ қатор асарлар пайдо бўлди. Бундан ташқари, бугуннинг долзарб муаммоларига бағишланган спектакллар яратилди. Тўғри, сахналаштири-

номланиши ва йўналишига қараб, томошабинларга хизмат қилмоқда. Кўнгли тўлиши дегани нисбий тушунча. Менимча, кўнгли тўлган жойда тараққиёт тўхтабди. Одамзот, айниқса ижодкор кўнгли тўлмай яшайи керак. Масалан, чиройли бир нарсани кашф этсангиз, бундан руҳани яна иқкинчисига қўл урасиз, тўғрими? Демак, одам ҳаммаша орзулар ва интилиш билан яшайди. Орзунинг эса чек-чегараси йўқ. Театр ва сахна одамлар ора-интилишларини акс эттирадиган маскандир.

Сўзимнинг нихосида фидойилик билан ишлаб келаётган барча театр жамоаларини бугунги байрамлари билан мубораққад этаман. Ҳаммаша соғ-омон бўлишин. Халқимиз улардан гузал сахна асарлар кўтиб қолади.

«Халқ сўзи» мухбири Гўлчехра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Футбол

Тайёргарлик чакки эмас

Маълумки, жорий йилнинг июль ойида футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Ана шу нуфузли мусобақа олдидан Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Хитой Тайпейи футболчиларига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Учрашув тўлиқ ҳамоюрларимиз устунигида ўти, дейиш мумкин. Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибди. Бугун ўйин давомида ўзбекистонлик футболчилар 18 марта Хитой Тайпейи дарвозаси томон тўп йўлаган бўлса, рақибларимиз 5 марта бизнинг дарвозамизга ҳаф солишди. Учрашувда Ҳикмат Ҳошимов киритган ягона тўп (1:0) ҳамюртлари-

мизнинг галабасини таъминлади.

Энди терма жамоамизни жиддийроқ рақиб кўтиб турибди. Бугун Рауф Инилеев шогирдлари Хитой терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

Шунингдек, кеча Ўзбекистон Олимпиячилари пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клубида Россия ўсмирлар терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 1:1 дуранг натижага эришилди.

Эслатиб ўтамиз, футболчиларимиз Пекин Олимпиадаси гуруҳ босқичида учинчи тур учрашувини 28 март куни Пусанда Жанубий Корея Олимпия терма жамоаси билан ўтказди.



«Халқ сўзи» мухбири Гўлчехра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.



Ўтган куни Бразилия терма жамоасининг собик ҳужумчиси Ромарио футболчилик фаолиятидаги 999-тўпини «Фламенго» жамоаси дарвозасига йўллади.

Пеле рекордига бир қадам

Хозирда «Васку да Гама» жамоасида тўп сураётган Ромарио 1000-юбилей голини эртага бўладиган Бразилия чемпионатининг навбатдаги тур ўйинида киритиши мумкин, деб хабар беради Reuters.

Шуни таъкидлаш лозимки, расмий статистика билан шуғулланадиган идора вакиллари 41 ёшли футболчи киритган тўпларнинг айрим қисмини ҳисобга олмайпти. Уларнинг фикрича, Ромарио ўзи айтганганидан 246 та кам тўп киритган. Ҳужумчининг ўзи ҳам бу фикрга қисман қўшилишни билдириб ўтган. Чунки, статистика билан шуғулланадиган расмий терма жамоаси сафида ва ўртоқлик учрашувларида дарвозаларга йўлаган. Шунга қарамай, у ўзининг мингинчи тўпини катта тантана билан нишонлашни маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, бундан олдин унинг юртдоши бразилиялик футболчи Пеле 1000 бор рақиблари дарвозасини аниқ нишонга олган эди.

Кутилмаган галаба

Дам олиш кунлари кўнжа қитъанинг қатор шаҳарларида «Евро — 2008» саралаш учрашувлари бўлиб ўтди.

Энг кутилмаган натижалардан бири Афинада қайд этилди. Туркия терма жамоаси сафарда Европа чемпиони Грецияни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қозғистон терма жамоаси ўз майдонида Сербияни 2:1 ҳисобида доғда қолдирди. Бу ён кўшимиз Қозғистон терма жамоасининг Европа қитъаси беллашувларидаги илк тарихий галабасидир. Қолган саралаш учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: Эстония — Россия 0:2, Испания — Дания 2:1, Литва — Франция 0:1, Португалия — Бельгия 4:0, Чехия — Германия 1:2, Голландия — Руминия 1:1, Исроил — Англия 0:0, Хорватия — Македония 2:1, Люксембург — Беларусь 1:2.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ. 2007 йил 1 май куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Шайхонтохур тумани суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 1632-34/3-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй манзилдаги АТ «Пахтабанк» ҳовлисида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситаларини куймоқда: 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АХ 709 бўлган «НЕКСИЯ-ДОНС» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 9 536 200 сўм. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АХ 011 бўлган «НЕКСИЯ-ДОНС» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 10 430 000 сўм.

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси. Томчилаб сугориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона. Пахтазор, тоқзор, бог, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб сугориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

БИРЖА. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сонли қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиб тўғрисидаги Низом»га 2006 йил 23 декабрда 1127-3-рақам билан киритилган ўзгаришларга мувофиқ, 2007 йилдан бошлаб «Биржа» республика иқтисодий газетаси мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг ошкор этиши зарур бўлган ахборот ва маълумотларини марказлашган тарзда чоп этиш бўйича ягона нашр этиб белгиланган боис, муҳим фактлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиш учун бюортмалар қабул қилаётганини маълум қилади.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ. Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS. Автомобиллар — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА. ГАЗ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли. ГАЗ-31105, «ВОЛГА». ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли. ГАЗ-32214 (4x4) «Тез ёрдан». ГАЗ-3307 Автовакуатор. ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар соми — 112 та, 3 ўриндиқли.

АССОЦИАЦИЯ ПО СЕРТИФИКАЦИИ «РУССКИЙ РЕГИСТР». АККРЕДИТОВАН В УЗБЕКИСТАНЕ. ИСО 9001 - Менеджмент качества. ИСО 14001 - Экологический менеджмент. ИСО 18001 - Профессиональное здоровье и безопасность. ИСО 22000 - Безопасность пищевых продуктов.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.